

ТАСДИКЛАЙМАН

Косонсой тумани

44-сонли ИЧБУИДТМ-си
директори

М.Алимхонов



15-июл 2022 йил

БУЮРТМАЧИ:

Косонсой тумани 44-сонли Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси

Наманган вилояти, Косонсой тумани 44-сонли Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасига ошхона мебелларини сотиб олиш буйича

ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАРИ

Косонсой туман -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тугрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3 016-сон билан руйхатдан утказилган Ўзбекистон Республикаси Президентга ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва утказиш тугрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Косонсой туман 44-сонли ИЧБУИДТМ-си томонидан таълим муассасасига ошхона мебельларини сотиб олиш буйича.

1.2. Танловнинг охириги киймати - 37 800 000 (Уттиз етти миллион саккиз юз минг) сум. Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари буйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Махсулотларни етказибериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 (ун) кун.

1.5. Махсулотларни етказибериш муддати - буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Косонсой туман 44-сонли 44-сонли ИЧБУИДТМ-си** (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили: 160300, Наманган вилоят, Косонсой тумани, Гулобод МФЙ,

Меъмор куча кучаси, 22-уй

Эл.адрес: maxsusmaktab44@Umail.uz

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

-танлов предмети кийматининг камида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси,

ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ухшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам булмаган ҳолда);

-Низом маблаг микдори.

3.3. Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг техник тавсифи билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидирлар.

44-сонли Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси директори



М.Алимхонов